

## Қуръон ойига муносиб тухфа



16:36 / 29.03.2023 1168

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, кунлар, ойлар ўтиб, яна Қуръони Карим ойи – Рамазон ойи бетакрор шукуҳ билан кириб келди.

Буюк алломалар юрти Ўзбекистонда ҳам барча жомеъ масжидларда ўқиладиган таровеҳ намозларида Аллоҳ таолонинг каломи – Қуръони Карим хатм қилинмоқда. Ватанимизда диний-маърифий соҳада олиб бориладиган тарихий ислохотларнинг энг ёрқин намуналаридан бири бўлмиш муҳташам жомеъ масжид – фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг номи билан аталган мажмуада ҳам таровеҳ намозлари ўқилиб, барча ижтимоий тармоқлар орқали бутун дунёга намойиш қилинмоқда.

Масжидимиз ходимлари ҳамда ислом.уз порталининг ижодий жамоаси Қуръонга мухлис халқимиз учун ажойиб Рамазон тухфасини тақдим этдилар.

Нафақат мустақил юртимиз тарихида, балки бутун минтақада биринчи бор хатми Қуръон жонли эфирга узатиладиган пайтда шу аснода ўқиладиган ояти карималар Мадинаи Мунаввара мусхафи шарифининг ёзувида бериб борилмоқда. Шунингдек, ҳар бир ояти карима билан бирга унинг ўзбек

тилидаги маъно таржималари ҳам эфирга узатилмоқда. Тасвирда қорилар ўқиётган ҳар бир оятнинг мусҳафи шарифдаги айнан нусхаси ҳамда маъно таржимаси берилиб, кейинги оятга ўтилганда мос равишда ояти карималар ҳам, маъно таржимаси ҳам янгилаб турилибди. Шу тариқа Ўзбекистонимизда ҳам Ислом оламидаги барча давлатлардаги каби, айниқса, Саудия Арабистонида Мадинаи Мунаввара ҳамда Маккаи Мукаррамадан узатиладиган эфирлардаги каби, тиловат қилинаётган оятларнинг ёзуви ва маъно таржимаси узатиб туриладиган бўлди.

Ушбу янгилик юртимиз масжидларида ўқиладиган таровеҳ намозларини уйдан, хизмат жойидан ёки чет эллардан томоша қилиб, Қуръон хатмига сомеъ бўладиган азизларимиз учун муносиб Рамазон тухфаси бўлди, иншааллоҳ.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломига қилинаётган бу холисона хизматга бевосита ва билвосита ҳисса қўшаётган барча азизларимизга битмас-туганмас ажру савоблар ёзсин, Рамазон ойининг баракотидан бу ажру савобларни кўпайтириб, охиратга захира қилсин.

Янгиланиш фасли бўлмиш гўзал баҳорда юртимизга ташриф буюрган Рамазони шариф ойи мўмин-мусулмон, мухлис халқимиз учун чинакам янгиланиш ойи, покланиш, юксалиш ойи бўлсин!